

## Сувдан фойдаланиш самарадорлиги индекси баҳоланди

*ПМТИ экспертлари томонидан ишлаб чиқилган баҳолаш алгоритми асосида Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида 2019-2020 йилларда сувдан фойдаланиш самарадорлиги индекси баҳоланди.*

Сув ресурслари ижтимоий, иқтисодий, экологик мувозанатни таъминловчи, минтақанинг барқарор ривожланишида асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилади. Бироқ сув ресурсларининг ҳудудлар бўйлаб нотекис тақсимланганлиги ва улардан нооқилона фойдаланиш натижасида юзага келаётган сув танқислиги бутун дунёни ташвишга солмоқда. Жаҳон банки экспертларининг ҳисоб-китобларига кўра, 2050 йилга бориб Сирдарё ҳавзасида сув ресурслари 5 фоизгача, Амударё ҳавзасида 15 фоизгача камайиши кутилмоқда. Марказий Осиё мамлакатлари ялпи ички маҳсулотининг ҳажми 2050 йилга бориб сув ресурсларининг танқислиги натижасида 11 фоизга пасайиши мумкин<sup>1</sup>.

Бундай ҳолатлар тармоқ ва соҳаларда яратилаётган маҳсулот учун сув сарфини камайтиришни ҳамда бу борадаги самарадорликни доимий мониторинг қилиб боришни талаб қилади.

Шу мақсадда, Ўзбекистон минтақаларида сув ресурсларидан фойдаланиш ҳолатини доимий равишда баҳолаш, таҳлилни олиб бориш ҳамда диагностика инструменти сифатида **сувдан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш алгоритми** ишлаб чиқилди.

Ушбу баҳолаш алгоритмига кўра, ҳисоб китоб ишлари уч босқичда **11 та кўрсаткичлар** асосида амалга оширилади. Биринчи босқичда статистик кўрсаткичлар аниқланиб, тизимлаштирилади ва гуруҳларга ажратилади. Таклиф қилинаётган баҳолаш алгоритмида статистик кўрсаткичлар 3 гуруҳга: сув ресурслари салоҳияти билан боғлиқ (4 та) кўрсаткичлар, ер ресурсларидан фойдаланишга оид (3 та) кўрсаткичлар ҳамда минтақанинг иқтисодий-статистик (4 та) кўрсаткичлари гуруҳларига ажратилади.

Иккинчи босқичда сув салоҳияти ва самарадорликни тавсифловчи детерминантлар аниқланади. Жумладан, ҳудуднинг сув салоҳияти йиллик реал фойдаланиладиган сув захира ҳажми, *i*-вилоят майдонининг сув билан таъминланганлик солиштирма ҳажми кўрсаткичлари орқали аниқланади.

Сув самарадорлиги эса макроиқтисодиёт ҳамда тармоқлар даражасида яратилган маҳсулотнинг сарфланган сув ҳажмига нисбати кўрсаткичлари, ҳудуд майдонининг сув билан таъминланганлик даражаси, ҳудудларда сув тежамкор технологияларни қўллаш даражаси каби детерминантлар орқали аниқланади.

Учинчи босқичда тизимлаштирилган индикаторлар асосида **сувдан фойдаланиш самарадорлиги интеграл индекси (ССИ)** ҳисоблаб чиқилади.


Юқоридаги баҳолаш алгоритмига асосан минтақаларда **сувдан фойдаланиш самарадорлиги** интеграл индекси ҳисоблаб чиқилди ва ҳудудларни рейтинг гуруҳлаш ишлари амалга оширилди.

---

<sup>1</sup> Ислом тараққиёт банки бошқарувчилар кенгаши 46-йиғилишидаги “Иқлим ўзгаришининг Марказий Осиё мамлакатларига таъсири ва муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни кўпайтириш масалалари” мавзусидаги маъруза. <https://kun.uz/news/2021/09/01/2050-yilga-borib-sirdaryo-havzasida-suv-resurslari-5-foizgacha-amudaryo-havzasida-15-foizgacha-kamayishi-mumkin-obid-hakimov>. 01.09.2021 й.

ССИ – сувдан фойдаланиш самарадорлиги индекси 1 га яқинлашса самарадорлик ортиб бораётганини, аксинча 0 га яқинлашса паст самарадорликни акс эттиради. Бу кўрсаткич йиллик натижалар бўйича ҳисоблаб борилади.

Таҳлил натижаларига кўра, **Андижон** вилояти 2019 йилда 0,871, 2020 йилда 0,877 индексга ҳамда **Тошкент** вилояти мос равишда 0,763 ва 0,750 индексга эришган ҳолда сувдан фойдаланиш самарадорлиги нисбатан юқори гуруҳидан жой олди. Бунда Андижон вилоятининг ССИ индекси 2020 йилда 2019 йилга нисбатан юқорилаган бўлса, Тошкент вилоятининг индекси пастлаган. Шунингдек, бу вилоятларда қишлоқ хўжалигидан бошқа тармоқларда (саноат, хизмат кўрсатиш) сувдан фойдаланиш самарадорлиги ҳамда суғоришда сув тежамкор технологияларнинг қўлланилганлик даражаси қолган вилоятларга нисбатан юқори эмаслиги маълум бўлди.



II – Сувдан фойдаланиш самарадорлиги нисбатан ўртача бўлган гуруҳдан жой олган **Самарқанд** вилояти ССИ индекси бўйича 2019 йилда 0,606, 2020 йилда 0,650 ни акс эттирган ҳолда деярли 50 пунктга юқорилаган. Бироқ ҳудуд майдонининг сув билан таъминланганлиги даражаси кўрсаткичи бўйича орқада қолмоқда. Таҳлил даврида **Фарғона** вилоятининг ССИ индекси 52 пунктга юқорилаган (мос равишда 0,553 ва 0,605). Бунда ҳудуд майдонининг сув билан таъминланганлиги юқори бўлсада, бироқ қишлоқ хўжалигидан бошқа тармоқларда сув самарадорлиги индекси (0,301) жуда паст ҳолда эканлиги аниқланган. **Навоий** вилояти самарадорлик индексида 63 пунктга юқорилаган (мос равишда 0,590 ва 0,596). Бу вилоятда саноат тармоқларида сувдан фойдаланиш самарадорлиги жуда юқори ҳисобланади. Бироқ ҳудуд майдонининг сув билан таъминланганлиги паст даража эканлиги

унинг табиий шароити билан бевосита боғлиқ, яъни чўл зонада жойлашган ва ўзининг ички сув манбалари чегаралангандир. **Наманган** вилоятида ССИ индексининг 20 пунктга юқорилагани (0,514 ва 0,520) сув тежамкор технологияларни қўлланилганлиги даражасида ижобий ўзгаришлар кузатилаётганлиги билан тавсифланади. **Жиззах** вилоятида ССИ индекси 2019 йилда 0,510 пунктдан 2020 йилда 0,530 пунктга юқорилаган. Бу вилоят сув тежамкор технологияларни қўлланилганлик даражаси бўйича бошқа вилоятларга нисбатан етакчилар қаторида эканлиги ҳисобига ушбу гуруҳда жойлашган бўлсада, қолган 3 та кўрсаткичлари (саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш самарадорлиги, ҳудуд майдонининг сув билан таъминланганлик даражаси) эса қониқарли эмас. **Бухоро** вилоятида ССИ индекси 10 пунктга юқорилаган (0,510 ва 0,520). Бироқ майдонининг сув билан таъминланганлиги ва сув тежамкор технологияларни қўлланилганлиги даражаси бўйича қониқарли натижа кўрсатмаган.

Таҳлил даврида III – сувдан фойдаланиш самарадорлиги нисбатан паст гуруҳидан жой олган **Хоразм** вилоятида ССИ индекси 2019 йилда 0,427 пунктдан 2020 йилда 0,430 пунктга юқорилаган. Бу гуруҳда **Сурхондарё** (0,413 ва 0,410), **Қашқадарё** (0,292 ва 0,280), **Сирдарё** (0,411 ва 0,401) вилоятларининг ҳамда **Қорақалпоғистон Республикасининг** (0,195 ва 0,191) самарадорлик индекси пастлаган. Бунга иқтисодиёт тармоқларида сувдан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари бошқа ҳудудларга нисбатан юқори эмаслиги, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида эса қишлоқ хўжалигидаги сув исрофгарчилиги юқорилиги ҳамда сув тежамкор технологияларни қўллаш кўрсаткичи қониқарли даражада эмаслиги таъсир кўрсатган. Шунга қарамасдан Сурхондарё вилояти сув тежамкор технологияларни қўллаш индекси бўйича (0,689) I – гуруҳдаги вилоятлар даражасидаги кўрсаткичига эришган.

Ўзбекистон ҳудудларида фойдаланиладиган ўртача йиллик сув ресурсларининг миқдори 51 – 53 млрд куб метрни ташкил этади. Буларнинг 97,2 фоизи дарё ва сойлардан, 1,9 фоизи коллектор тармоқларидан, 0,9 фоизи эса ер ости сув манбаларидан олинади. Жорий йилнинг бошида 2021 йилги суғориш мавсумида сув таъминоти меъёрга нисбатан 25 фоиз кам бўлиши кутилаётгани айтилган эди<sup>2</sup>. Бу қарийб 8-10 млрд. куб метр сув танқислиги кузатилиши мумкинлигини англатади. Ҳудудларда сув танқислигининг ортиб бориши мавжуд ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланишни талаб қилади. Бунинг учун дастлаб ҳудудлар кесимида сув ресурсларидан қай даражада самарали ва тежамли фойдаланаётганлигини доимий мониторинг қилиб бориш зарур. Ушбу мониторинг ҳар бир ҳудуд учун самарадорликка эришишнинг аниқ чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш имконини беради.

**Комилжон Қўзиёев,**

**Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти  
етакчи илмий ходими**

---

<sup>2</sup> <https://review.uz/oz/post/v-uzbekistane-vo-vremya-orositelnogo-sezona-2021-goda-ojidaetsya-snijenie-urovnya-vodosnabjeniya-na-25>. 25.02.2021 й.